

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори


Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига асосан Олий суднинг Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2023 йил иккинчи ярми учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар орқали Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2023 йилнинг 9 ойида Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси томонидан жами 2 703 та фуқаролик ишлари кўриб тамомланган.


Кўриб тамомланган фуқаролик ишларининг 2 239 таси (82,8 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 345 таси (12,8 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 119 таси (4,4 фоизи) бўйича ўзгартирилган.



Суд қарорлари бекор қилинган 345 та ишдан 94 таси янгидан кўриш учун қуйи судларга юборилган, 179 та иш бўйича янги ҳал қилув қарорлари қабул қилинган, 7 та фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган, 6 та иш бўйича даъво аризалар кўрмасдан қолдирилган, 59 та иш бўйича апелляция инстанция судининг ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб тамомланган ишлар ҳудудлар кесимида қуйидагича кўринишга эга:

Тошкент шаҳри 681 та (шундан 85 таси бекор қилинган ва 23 таси ўзгартирилган), Тошкент 329 та (50/12), Самарқанд 252 та (40/14), Қашқадарё 205 та (28/11), Фарғона 196 та (19/17), Бухоро 152 та (27/7), Хоразм 145 та (12/10), Сурхондарё 137 та (20/3), Наманган 130 та (21/4), Андижон 100 та (10/3), Жиззах 96 та (3/3), Навоий вилоятлари 95 та (10/5), Қорақалпоғистон Республикаси 94 та (13/4) ва Сирдарё вилояти судида 76 та (5/3) ташкил этади. Фуқаролик ишларини биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.



Бу даврда асосан **меҳнат низолари билан боғлиқ** (Тошкент шаҳри 20 та, Тошкент вилояти 14 та, Қашқадарё вилояти 13 та, Фарғона вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси 9 тадан, Навоий вилояти ва Самарқанд вилоятида 8 тадан, Бухоро вилояти 7 та, Сурхондарё вилояти 5 та, Жиззах вилояти ва Наманган вилояти 2 тадан, Андижон вилояти, Сирдарё вилояти

ва Хоразм вилояти 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **зарар ундириш билан боғлиқ низолар** (Тошкент шаҳри, 14 та, Хоразм вилояти 11 та, Бухоро вилояти ва Наманган вилояти 8 тадан, Фарғона вилояти ва Тошкент вилояти 7 тадан, Самарқанд вилояти ва Сурхондарё вилояти 6 тадан, Қашқадарё вилояти 5 та, Сирдарё вилояти 4 та, Андижон вилояти 3 та, Жиззах вилояти ва Навоий вилояти 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **ер муносабатлари билан боғлиқ низолар** Тошкент вилояти 15 та, Тошкент шаҳри 12 та, Самарқанд вилояти 9 та, Қашқадарё вилояти 6 та, Бухоро вилояти ва Наманган вилояти 4 тадан, Хоразм вилояти 3 та, Андижон вилояти 2 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилояти 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **қарз ва кредит муносабатлари билан боғлиқ низолар** (Тошкент шаҳри 14 та, Самарқанд вилояти 7 та, Тошкент вилояти 4 та, Бухоро вилояти, Навоий вилояти ва Қашқадарё вилояти 3 тадан, Андижон вилояти, Фарғона вилояти ва Хоразм вилояти 2 тадан, Жиззах вилояти, Наманган вилояти, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **битимлар билан боғлиқ низолар** (Тошкент шаҳри 17 та, Фарғона вилояти 5 та, Сурхондарё вилояти ва Тошкент вилоятлари 4 тадан, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти ва Бухоро вилояти 2 тадан, Андижон вилояти, Хоразм вилояти, Навоий вилояти ва Қашқадарё вилоятларида 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **уй-жой низолари** (Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида 10 тадан, Тошкент вилояти 6 та, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти ва Сурхондарё вилоятида 3 тадан, Андижон вилояти, Жиззах вилояти ва Фарғона вилоятида 2 тадан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси 1 та суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган) ишлар кўриб тамомланган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

Биринчи инстанция суди асосли, қонуний ва адолатли хулосага келган бўлса-да, апелляция инстанцияси даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Даъвогар А. судга жавобгарлар Г. ва Н.га нисбатан Олмалик шаҳар Бинокор кўчаси 68-уй 41-хонадон (*бундан буён матнда “низодаги хонадон” деб юритилади*) юзасидан тузилган олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ва низодаги хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақида даъво талаби билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2022 йил 21 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилиб, низодаги хонадон юзасидан тузилган олди-сотди битими ҳақиқий деб топилиб, даъвогар А. номига эгалик ҳуқуқи асосида расмийлаштириш, мазкур ҳал қилув қарори даъвогар А.га низодаги хонадонга нисбатан мулк ҳуқуқини давлат кадастрлари палатасида давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланиши, низодаги хонадон юзасидан тузилган олди-сотди битимининг бажарилмаган қисми юзасидан даъвогар А.нинг ҳисобидан жавобгар Г.нинг фойдасига 33 990 000 сўм ундириш белгиланган.

Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 31 мартдаги ажрими билан биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Суд ҳужжатларига кўра, низодаги хонадон 2005 йил 24 сентябрда жавобгарлар Г. ва Н.ларнинг қонуний никоҳлари давомида жавобгар Г.нинг номига нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан сотиб олинган.

2019 йил декабрь ойида жавобгарлар Г. ва Н. “Telegram” ижтимоий тармоғида низодаги хонадонни 12 000 АҚШ доллари эвазига сотиш ҳақида эълон жойлаштириб, жавобгар Г. даъвогар А. билан оғзаки келишув асосида низодаги хонадонни 11 200 АҚШ долларига сотишга келишган.

2019 йил 18 декабрда жавобгар Г. низодаги хонадон учун даъвогар А.дан 1 000 АҚШ доллари закат олиб, бу ҳақда тилхат ёзиб имзолаб берган ва тилхатни умумий мулк иштирокчиси бўлган жавобгар Н. ҳам имзолаган.

2020 йил 20 январда жавобгар Г. низодаги хонадон учун даъвогар А.дан яна 7 200 АҚШ доллари олган, қолган 3 000 АҚШ долларини низодаги хонадонни расмийлаштириб берганидан сўнг олишини баён қилиб тилхат ёзиб берган ва тилхатни умумий мулк иштирокчиси жавобгар Н. ҳам имзолаган.

Тарафлар низодаги хонадонни сотиш ва сотиб олиш ҳақида келишувга эришган ҳолда, битим шартларини даъвогар А. қисман бажарган бўлса-да, жавобгар Г. эса гўёки низодаги хонадонга мажбурий ижро бюроси томонидан тақиқ қўйилганлигини важ қилиб шартномани расмийлаштириб беришдан бош тортиб келган.

Биринчи инстанция суди ФКнинг 112-моддаси талабини қўллаган ҳолда, низодаги хонадон тарафлар ўртасида нотариал тартибда расмийлаштиришга монелик қиладиган ҳолат мавжуд бўлмаган ҳолда, мажбурийат мулкдори, яъни жавобгарлар Г. ва Н. томонидан ўзларига маълум бўлган важлар *(битимни фойдасиз шартлар асосида ижро этишни истамаслик, битимни бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топишни хоҳлаш, келишувдан ташқари янги шартлар асосида пул ундириш ва ҳ.к.)* билан бажаришдан бош тортиш сифатида баҳолаган ҳолда даъвони қаноатлантириш тўғрисида тўғри хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди даъвогар низоли хонадонга нисбатан тақиқ мавжуд бўлганлигини билган ҳолда даъвогар жавобгарга тилхат билан пул берганлиги, даъвогарда зақалат пулини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги асоси билан ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилиш ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанциясининг сўров хатига асосан тақдим этилган маълумотларга кўра, низоли хонадонга 2019 йил декабрь ва 2020 йил январь ойларида давлат кадастрлар палатаси Олмалиқ шаҳар филиали томонидан тақиқ қўйилмаганлиги ҳамда “Нотариус” ААТ базасида тақиқ мавжуд эмаслиги маълум қилинган.

Демак, даъвогар А. жавобгарлар Г. ва Н. билан келишилган мажбуриятнинг (11 200 АҚШ доллари) асосий қисмини (8 200 АҚШ доллари) бажарган, мажбуриятнинг қолган қисми бажарилмай қолиши даъвогар А.га боғлиқ бўлмаган, низоли уй-жой юзасидан қолган мажбурият суммаси 3 000 АҚШ долларини ташкил қилган. Бундан кўринадики, тарафлар ўртасида низоли хонадонни сотишга келишувга эришилмаган деган хулосага келишга асослар мавжуд эмас.

Шунга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси 2023 йил 13 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топган.

2-1107-2209/11970-сонли иш

Гаров тақдим этган учинчи шахс (мулкый кафил) ундирувни гаров нарсасига қаратишдан сақлаш мақсадида бу мажбуриятни гаров нарсасининг қиймати доирасида бажаришга ҳақлидир.

Даъвогар Ш. судга жавобгар “Микрокредитбанк” АТБ туман филиалига (бундан буён матнда “Банк” деб юритилади) хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топиб, жавобгар зиммасига автомашинани тақиқ ва гаров реестридан чиқариш мажбуриятини юклаш ҳақидаги даъво талаби билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро судининг 2023 йил 6 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Самарқанд вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 20 июндаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Суд ҳужжатларига кўра, банк билан М. оилавий корхонаси ўртасида 2020 йил 21 августда тузилган кредит шартномасига биноан М. оилавий корхонасига 800 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида 2020 йил 25 августдаги ипотека шартномасига асосан бошқа мол-мулклар билан бир қаторда даъвогар Ш.га тегишли автомашина ҳам гаровга қўйилган.

М. оилавий корхонаси томонидан кредит мажбурияти бажарилмаганлиги боис суднинг 2022 йил 25 майдаги ҳал қилув қарори билан М. оилавий корхонасидан банк фойдасига 37 637 726 сўм ундириш белгиланган.

Банкнинг 2022 йил 1 ноябрдаги маълумотномасига кўра, М. оилавий корхонасига ажратилган кредит маблағи таъминоти сифатида жавобгар Ш.га тегишли гаровга олинган автомашина 236 390 000 сўмга баҳоланиб, 2021 йил 25 октябрда Ш. ушбу суммани кредит тўлови учун банкка топширган.

Даъвогар Ш.нинг 2022 йил 26 сентябрдаги автомашинани тақиқдан чиқариш ҳақидаги аризаси банк томонидан, М. оилавий корхонаси кредит маблағидан самарасиз фойдаланиб келаётгани ва муддати ўтган кредит қарздорлиги мавжудлиги асоси билан рад этилган.

Биринчи инстанция суди ФКнинг 9, 234, 264, 280-283-моддалари, “Гаров тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасини қўлланган ҳолда, даъвогар жавобгар олдида айнан 236 900 000 сўмлик мажбуриятни олгани, банк эса, даъвогардан бутун кредит қарздорлиги учун жавобгарликни талаб қилиб, мулкдорнинг ҳуқуқларини бузаётгани асоси билан даъвони қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди, қонунда қайси ҳолатларда гаров бекор бўлиши ҳамда гаров реестридан чиқариш белгилаб қўйилганлиги, кредит шартномаси бўйича жавобгар Ш. ўз ихтиёри билан кредит таъминоти сифатида автомашинани гаровга қўйгани, М. оилавий корхонасининг банк олдида қарзи мавжудлиги боис автомашинани тақиқ ва гаров реестридан чиқаришга асос бўлмаслиги важи билан ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилиш ҳақида хулосага келган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси апелляция инстанциясининг хулосаси “Гаров тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ келмаслиги сабабли у билан келишмаган.

Хусусан, даъвогар Ш. гаровдаги мулкни ундирувга қаратишдан сақланиш мақсадида мулки билан таъминланган мажбуриятни унинг қиймати доирасида бажарган ва бунда даъвогарга тегишли мулкдан ташқари кредит таъминоти сифатида бошқа кўчмас мулк ҳам мавжуд.

Шунга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси 2023 йил 20 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилишни ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топган.

Судлар ФКнинг 1021-моддасини нотўғри талқин қилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинган.

Даъвогар М. судга жавобгар “Халқ банки”нинг туман филиалидан (бундан буён матнда “Банк” деб юритилади) нисбатан 1 000 000 000 сўм маънавий зарар ундириш ҳақида даъво талаби билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Яккабоғ туманлараро судининг 2023 йил 17 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар М.нинг фойдасига 5 000 000 сўм маънавий зарар ундириш белгиланган.

Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 28 апрелдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, жавобгар банк ҳисобидан даъвогар М.нинг фойдасига 10 000 000 сўм маънавий зарар ундириш белгиланган.

Суд ҳужжатларига кўра, банк ва даъвогар М. ўртасида 2019 йил 21 январда тузилган кредит шартномасига биноан М.га 36 ой муддатга йиллик 7 фоиз устама ҳақи тўлаш шарти билан 25 000 000 сўм имтиёзли кредит ажратиб берилган.

М.нинг кредит бўйича қарздорлиги вужудга келганлиги боис суднинг 2021 йил 8 июлдаги ҳал қилув қарори билан банк фойдасига кредит қарздорлиги ундириш белгиланган.

Ушбу кредит қарздорлиги М. томонидан суд қарорини ижро этиш жараёнида тўлиқ қопланган.

Қарздорлик қопланган бўлса-да, яна шу шартнома юзасидан кредит қарздорлигини ундириш ҳақида 2022 йил 10 октябрда банк даъво аризаси билан судга такроран мурожаат қилган.

Иш судда кўриб чиқилиб, банкнинг аризасига биноан даъво аризасини 2022 йил 14 ноябрда кўрмасдан қолдириш ҳақида ажрим чиқарилиб, жавобгар М.дан давлат фойдасига 300 000 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

М.нинг суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризасига асосан шу суднинг 2023 йил 28 февралдаги ажрими билан 2022 йил 14 ноябрдаги ажрим бекор қилинган, иш кўришга тикланган ва суднинг 2023 йил 28 февралдаги ҳал қилув қарори билан кредит қарздорлиги қопланганлиги боис даъво талаби рад этилган ва банкдан давлат фойдасига 300 000 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, даъвогар М. судга маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Қуйи судлар суд қарорларини асослашда кредит қарздорлик муқаддам суд қарори билан ундирилган ҳолда банк яна қайтадан судга мурожаат қилгани ва бунинг оқибатида даъвогар М.нинг яқин қариндошлари билан муносабатлари бузилиб, унга маънавий зарар етказилганини асос қилган бўлса-да, кассация судлов ҳайъати ушбу асослар билан келишмаган.

Чунки ФКнинг 1021, 1022-моддалари ва Олий суд Пленумининг 2000 йил 20 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори 2-бандида маънавий зарар ундириш асослари келтириб ўтилган бўлиб, ушбу ҳолат процессуал қонунчилик билан тартибга солинувчи муносабат бўлиб, бунда қонунчиликда йўқотилган вақт учун тўлов ундириш белгиланган, маънавий зарар ундиришнинг эса, қонуний асослари мавжуд бўлмаса-да, судларнинг маънавий зарар ундиришга оид моддаларини қўллаши нотўғри ҳисобланади.

Шу сабабли Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 24 мартдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

2-1806-2301/66-сонли иш

Судлар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги низолашилганда иш бўйича тегишли экспертиза (психологик) тайинлаш масаласини муҳокама қилишлари лозим.

Даъвогар А. судга жавобгарлар Ш. ва нотариал идорага нисбатан ҳада шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида даъво талаби билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2022 йил 21 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Сурхондарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 13 декабрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Суд ҳужжатларига кўра, 2021 йил 12 февралдаги қабул қилиш далолатномасига асосан даъвогар А. номига низоли уй-жой расмийлаштирилган (*турмуш ўртоғи Б. билан қонуний никоҳлари давомида*).

2021 йил 8 сентябрда даъвогар А. низоли уй-жойни нотариал тасдиқланган шартномага асосан набираси – жавобгар Ш.га ҳада қилган ва бунинг учун даъвогар А.нинг турмуш ўртоғи Б.нинг нотариал тасдиқланган розилик аризаси олинган.

Даъвогар А. даъво талабига охирги йилларда оғир касаллик бўйича даволаниб келгани, қариллик ва ўзидаги касаллик аломатлари боис унга қараб келаётган хотини Б. ва жавобгар Ш.ларнинг талаби билан ҳада шартномасини тузганлиги, бу вақтда касал бўлгани ва ҳада шартномаси мазмуни ва тузилишини англамаганини асос сифатида келтириб ўтган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сонли қарори 11-бандидаги тушунтиришга кўра, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги бўйича низолашилганда, судлар исботлаш воситаларига йўл қўйилиши ҳақидаги ФПК 74-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб, иш бўйича тегишли (психологик) экспертиза тайинлаш масаласини муҳокама қилишлари лозим.

Бироқ биринчи инстанция суди даъво талаби асосидан келиб чиқиб, ундаги важларига ҳуқуқий баҳо бериш учун юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришига риоя этмасдан тегишли экспертиза тайинлаш масаласини ҳал этмаган.

Апелляция инстанцияси суди эса, суд қарорини қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш билан бирга суд ҳужжатини тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шарт бўлса-да, биринчи инстанция суди йўл қўйган хато-камчиликни бартараф этиш ўрнига мутахассис хулосаси билан чекланган ва унинг тушунтиришидан келиб чиқиб, даъвони рад қилиш ҳақида барвақт хулосага келган.

ФПКнинг 416-моддасига асосан, кассация инстанцияси суди янги далилларни ўрганиб чиқиш ва янги фактларни аниқлаш ҳуқуқига эга эмас.

Шу сабабли Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси 2023 йил 23 августдаги ажрими билан апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборишни лозим топган.

2-1905-2004/6268-сонли иш

ФПКнинг 262-моддаси иккинчи қисмига биноан, қўшимча ҳал қилув қарорини чиқариш тўғрисидаги масала ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай қўзғатилиши мумкин.

Даъвогар АТБ “Капиталбанк” (бундан буён матнда “Банк” деб юритилади) судга жавобгарлар С. МЧЖ ва Н.га нисбатан кредит қарздорлигини муддатидан олдин ундириш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақида асосий ва қўшимча даъво аризалари билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2022 йил 29 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 13 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, банкнинг асосий ва қўшимча даъво аризалари кўрмасдан қолдирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 2 майдаги ажрими билан 2022 йил 13 сентябрдаги ажримига қўшимча ажрим қабул қилиниб, банкдан давлат фойдасига 37 192 362 сўм давлат божи ундирилган.

Суд ҳужжатларига кўра, суднинг 2022 йил 29 июндаги ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгарлар С. МЧЖ ва Н.лар томонидан апелляция шикоятни келтирилганда, суднинг 2022 йил 29 июлдаги ажрими билан апелляция шикоятни келтиришда тўланиши лозим бўлган 37 192 362 сўм миқдордаги давлат божи кечиктирилган.

Апелляция инстанцияси суди ФПКнинг 262-моддаси ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга ҳавола қилиб, ишни мазмунан кўришда кечиктирилган давлат божини ундириш масаласи ҳал қилинмаганлиги, апелляция шикоятни қаноатлантирилганлигини кўрсатиб, банкдан давлат фойдасига кечиктирилган 37 192 362 сўм давлат божи ундириш ҳақида хулосага келган.

Бироқ апелляция инстанцияси иш бўйича ажримни 2022 йил 13 сентябрда қабул қилган бўлса-да, қўшимча ажримни ФПКнинг 262-моддаси иккинчи қисмида белгиланган ўн кунлик муддат ўтгандан кейин, яъни 2023 йил 2 майда *(231 кундан кейин)* қабул қилиб, ушбу талабни бузган.

Шу сабабли Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 10 июлдаги ажрими билан апелляция инстанцияси ажримини бекор қилишни лозим топган.

2-1001-2205/10632-сонли иш

“Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддаси бешинчи қисмига кўра, даъвогарлар жиноят туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилганда, давлат божидан озод этилади.

Даъвогар А. судга жавобгар шаҳар ҳокимлигига нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш ҳақида даъво талаби билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2023 йил 28 апрелдаги ажрими билан давлат божи тўланмаганлиги асоси билан даъво аризаси қайтарилган.

Жиззах вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 7 июндаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларига кўра, даъвогар А. жавобгар шаҳар ҳокимлигига нисбатан мол-мулкига етказилган зарар учун 3 038 052 500 сўм ва маънавий зарар учун 1 500 000 000 сўм ундириш ҳақида даъво аризаси тақдим этишда 600 000 сўм миқдорида давлат божи тўлаган.

Қуйи судлар даъвонинг моддий зарар ундириш ҳақидаги қисми бўйича даъво баҳосининг 4 фоизи миқдорида давлат божи тўланмаганлиги асоси билан даъво аризани қайтарган.

Кассация судлов ҳайъати қуйи судлар хулосалари билан келишмаган.

Жумладан, жиноят ишлари бўйича суднинг 2022 йил 16 июлдаги ҳукмига кўра, Б. (*кадастр бўлими бошлиғи*) ва Р. (*ҳоким ўринбосари*) даъвогар А.га мол сўйиш пункти (*қушхона*) биноси ва унинг фойдаланишидаги 0,96 га ер майдонини шаҳар ҳокимлиги захира ерлари фондига олиб, А.нинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказгани аниқланган. Шу боис судланувчилар Б. ва Р. ЖКнинг 205-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилган ҳамда етказилган зарар учун 100 000 000 сўм даъвогар А.га зарарни қоплаш учун қайтарилган.

Бироқ судлар ушбу жиноят иши доирасида даъвогар А. фуқаровий даъвогар деб топилганлиги, бунда у қонун талабига биноан бу каби даъволар юзасидан судларга мурожаат этишда давлат божидан озод этилганлигини эътиборга олмаган.

Шу сабабли Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 29 августдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво ариза юзасидан фуқаролик иши қўзғатилиб, иш мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилган.

2-1301-2303/5407-сонли иш

**Фуқаролик ишлари бўйича
судлов ҳайъати**